



Ўзбекистон
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974-yil 1-yanvardan
chiqib boshlagan

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

Qishloq hayoti

№ 53 (9164)-son

2021-yil 31-dekabr,
juma

@Qishloqhayoti_gazetasi

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

МЕХР-МУРУВВАТДАН МУНАВВАР ДИЛЛАР

Янги йил байрами арафасида кексалик гаштини сураётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳолидан хабар олинаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган "Инсон қадрини учун" тамойилининг ўзига хос ифодаси бўлмоқда.

Пискент тумани ҳокимлиги вакиллари Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари – Аноркул ота Хатамов ва Ашир ота Ўсаров хонадонидан бўлиб, байрам билан табриклади. Президентимизнинг қимматбахона совғалари, пул мукофоти ҳамда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги" эсдалик нишонини тантанали топширди.

Самимий суҳбат чоғида фахрийлар бугунги тинч ва осойишта замон, байрамлар оғушида хотиржамлик ва тўқинликда ўтаётган ҳар бир кун учун шукроналик айтиш кўраклигини уқтирди. Сўнгра Янги йил кут-бараккага тўлиқ келишини, она юртга тинчлик, элимизга саломатлик, дастурхонларимизга фаровонлик тилаб дуо қилинди.

Халқимизда кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш азалдан олий қадрият ҳисобланади. Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги вакиллари ҳам шу анъанага амал қилиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бекмирза ота Абсаламовнинг хонадонидан меҳмон бўлди. Самимий суҳбат давомида Бекмирза отага Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги йил табриги ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги" эсдалик нишони, Президент эсдалик совга-

си, 1 миллион сўмлик сертификат ҳамда "Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида" номли китоб топширилди. Бу каби эътибор ва эътирофдан кўнгли тоғдай кўтарилган Бекмирза ота дуога қўл очиб, Ватанимизга тинчлик-осойишталик, Юртбошимизга соғлиқ сўраб тилак билдирди.

Шунингдек, Юқори Чирчиқ тумани Бирлик маҳалласида яшовчи икки нафар Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари Бексеит Баймирзаев, Андакул Худойбергеновга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги йил байрами табриқномаси ўзгача қувонч бахш этди. Уларга "Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларига 30 йил" эсдалик нишони, 1 миллион сўмлик сертификат ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Бекобод шаҳар ҳокимлиги вакиллари ҳудудда яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Ҳасан ота Холматов, Турсун ота Мусурмонкулов ва Жалол ота Искандаровлар уйларида бўлиб, улар ҳолидан хабар олди. Суҳбат давомида фахрийларга Президентимиз йўллаган табриқ ўқиб эшиттирилди. Уларга "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги" эсдалик нишони ҳамда эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ҚИЗИЛТЕПАЛИК ФЕРМЕР ЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРДИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Бугунги кунда нафақат Навоий вилоятида, балки юртимизнинг барча ҳудудларида "Sof in" бренди остида ишлаб чиқарилаётган сут ва сут маҳсулотларини яхши билишади. Ушбу бренд остида ишлаб чиқарилаётган 40 дан ортиқ сут ва сут маҳсулотлари айнан тадбиркор Жобир Темиров раҳбарлик қилаётган "Янги аср" наслчилиқ фермер хўжалиги сутни қайта ишлаш корхонаси маҳсулотларидир.



Жобир Темиров вилоятдаги илғор, ташаббускор ва тажрибали фермерлардан бири бўлиб, мелиоратив ҳолати оғир ва тупроқ унумдорлиги паст ҳудудда ғаллачилик ва чорвачиликда юқори самарадорликка эришиб келмоқда. Мазкур хўжалик насли чорва молларини кўпайтириш, сутни қайта ишлаш, ғалла, пахта, иссиқхона хўжалиги, базмлар саройи, савдо ва сервис хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритадиган қўл тармоқли фермер хўжалиги саналади. Айни пайтда хўжаликда 1 минг 600 гектар экин ҳамда 1000 гектар яйлов майдони, 1500 бошга яқин қорамол мавжуд. Фермер хўжалигида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг умумий қиймати қарийб 80 миллиард сўмни ташкил этади. Биргина сутни қайта ишлаш корхонасида бугунги кунда бир кеча-кундузда 30 тонна сут қайта ишланиб, аҳолига 40 номдан зиёд сут маҳсулотлари етказиб берилади.

(Давоми 2-саҳифада)



САМАРҚАНДА ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИ ОЧИЛДИ

Самарқанд шаҳридаги 1-сон Меҳрибонлик уйининг 8 нафар тарбияланувчиси Янги йилни оила бағрида кутиб оладиган бўлди. Чунки улар энди Самарқанд тумани Ўзбеккент маҳалласида ташкил этилган оилавий болалар уйида, оила муҳитида истиқомат қилишади.

Яқунга етаётган йилда юртимизда ногиронлиги бўлган, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш ва жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш борасида янги тизим жорий этилди. Жумладан, болаларни оила муҳитида тарбиялаш мақсадида оилавий болалар уйлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Самарқанд вилоятида ҳам қисқа вақт ичида 6 та ана шундай болалар уйлари ташкил этилди. Ҳозирда уларда шу пайтгача Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган 36 нафар бола оила муҳитида яшамоқда. Ўзбеккентдаги оилавий болалар уйи ана шундай оилаларнинг еттинчиси бўлди. Мазкур оилавий болалар уйининг ташкил этилиши

Республика Бош прокуратураси томонидан фаол қўллаб-қувватланди. Янги масканнинг очилиши маросимида Бош прокуратура масъул ходимлари, вазирлик ва идоралар, вилоят ва туман сектор раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов эзгу иш ташаббускорларига миннатдорлик билдириб, болаларни Янги йил билан табриклади.

Болалар масалалари бўйича Самарқанд вилояти комиссияси раиси ўринбосари, Миллий гвардия вилоят бошқармаси бошлиғи Л.Яхшиликков яқинда халқ депутат-



лари вилоят Кенгашига берган ҳисоботида яқунга етаётган йилда вилоятдаги 1-Меҳрибонлик уйдан 38 нафар, вилоят болалар уйдан 17 нафар, SOS Ўзбекистон болалар уюшмаси Самарқанд филиалидан 11 нафар бола ўз оиласи бағрига қайтарилганини маълум қилган эди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.



"ДАНҒАРА" НАСОС СТАНЦИЯСИНING УЛКАН ҲИССАСИ

ФАРФОНА ВИЛОЯТИ

1962 йилда қурилиб, ишга туширилган "Данғара" насос станцияси чиндан ҳам Данғара тумани ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотдир. Бу насос станциясининг ишга туширилиши туман ҳаётида катта воқеа бўлган эди.

Ҳар бир насос агрегати сониясига 2,5 метр кубдан сувни тепаликка чиқариш қобилиятига эга бўлиб, улардан нафақат пахта майдонларини сугориш, балки ўша пайтдаги колхоз ва совхозларнинг бошқа экинларини, аҳоли хонадонларидаги томарқаларни обихаётга қондиришда самарали фойдаланиларди. Орадан 48 йил ўтганда, яъни 2010 йилга келиб бу насос агрегатларининг фойдали иш коэффициенти 1,5 метр кубга тушиб қолди. Ана шундай бир пайтда ҳукуматнинг "Данғара" насос станциясини реконструкция қилиш тўғрисида қарори чиқди. Унга мувофиқ агрегатларни тўлиқ реконструк-

ция қилишга киришилди ва уч йил давом этган бу жараёнда агрегатлар Хитойнинг етакчи компанияси томонидан янги-ларига алмаштирилди. Насос станциясининг ерларни сугориш қобилияти илгари 4 минг 400 гектарга тенг бўлган бўлса, реконструкциядан кейин бу рақам 7 минг 100 гектарни ташкил қилди. Бу нафақат туман, балки вилоят учун ҳам улкан имкониятлар манбаи бўлди. Бу билан деҳқон-фермер хўжаликлари, республика аҳамиятига эга Қўқон Давлат ўрмон хўжалиги, томорқа ерларига эга бўлган хонадонларнинг сувга бўлган талаби кўпроқ қондирилди. (Давоми 2-саҳифада)

Янги ланишлар ОАВ нигоҳида

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Аввало шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, яқунланаётган йил вилоят аҳли учун ҳар жиҳатдан қутлуғ келди. Барча соҳаларда белгиланган мақсадлар рўёбга чиқди. Истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 12 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Биргина қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича 50 дан зиёд давлатлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Воҳадаги жозибдор янги ланишларни кўрсатиш, жараён билан ижодкор аҳлини яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган медиатур Зангиота туманидаги "Foam Line" корхонасидан бошланди. Ушбу корхона йилига 10 минг тонна паралон ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бундай ноёб маҳсулотнинг айни вақтда Марказий Осиёда фақат Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётгани ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир.



Сўнги 3 йилда хўжаликнинг умумий даромади 9,4 миллиард сўмни, соф фойда эса қарийб 3,4 миллиард сўмни тақшил этди

Янги ланишлар ОАВ нигоҳида



(Боши 1-саҳифада)

Корхона маҳсулотларининг асосий қисмини экспорт қилиш кўзда тутилган. Хориждан келтириб ўрнатилган замонавий технологиялар тўлиқ ишга тушгач, бу ерда маҳаллий ёшлар учун 100 та доимий иш ўрни яратилади. Айни вақтда Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларига экспортни йўлга қўйиш бўйича хорижий ҳамкорлар талаби ўрганиб чиқилмоқда. Янги йилдан мазкур давлатларга маҳсулот жўнатиш йўлга қўйилади.

Шу тумандаги "BOZ SUV BIOZERNO" корхонаси 7,7 миллион АҚШ долларлик инвестиция ҳисобига барпо этилган бўлиб, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2 миллион 400 минг долларни ташкил этади. Шунда йилига 793 минг 900 дона, яни 322 минг долларлик атиргул хорижга экспорт қилинади.

— Яшаш манзилимизга яқин масофада бундай корхонанинг очилиши биз каби ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлашда муҳим омили бўлди, — дейди ўзини Улғубек Огабеков дея таништирган йигит. — Маҳалла-майдондан етти киши шу ерда меҳнат қилаялми. Ойлик маошларимиз ҳам яхши.

Таъкидлашларича, лойиҳанинг яна ишга туширилиши керак бўлган янги босқичлари бор. Улар ишга туширилгач, экспорт ҳажми ошиб, яна янги иш ўринлари кенгайди.

Кейинги манзил Янгийўл тумани бўлди. Бизни туман ҳокими Улғубек Ялғашов кутиб олди. У туманда амалга оширилаётган ишлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари ҳақида гапирар экан, маҳаллабай ишлаш тизими оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда, ҳар бир хонадонга алоҳида эътибор қаратиб, инсон қадрини юксалтиришда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари вазифаларининг жо-



рий этилганлиги эндиликда камбағалликка қарши курашишда янада кўпроқ самара бериши айтилди. Бугун Янгийўл туманида 64 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирини малакали мутахассислар ҳоким ёрдамчиси вазифасида фаолият юритмоқда. Иқтисодий малакага ва соҳада етарли тажрибага эга бўлган ёш кадрлар ишга жалб этилганларига қадар вилоят ва туман миқёсида ташкил қилинган аттестация комиссияларидан ўтказилиб, танлаб олинди. Уларнинг ҳар бири билан шахсан вилоят ҳокими Зоир Мирзаев ажама-ажа суҳбатлашди. Алоҳида курслар очилиб, ўқув семинарлари ташкил этилди. Бугунги кунда фаолият олиб бораётган ҳар бир ҳоким ёрдамчиси маҳаллани иқтисодий ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни ташкил этиш бўйича пухта ишлаб чиқилган ўз йўли харитаси ва дастурига эга.

Медиатур жараёнида улардан бир гуруҳи журналистларга таништирилди. "Туябўғиз" МФЙда ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлаётган Азимхўжа Файзуллахўжаев

ўз фаолияти ҳақида гапириб берди. Унинг таъкидлашича, маҳаллаларда ишсиз аҳоли сони ҳозиргача туман ҳокимлиги ва бошқа идораларга тақдим этиб келинган маълумотдагидан аслида анча кўп экан. Аниқланган мана шу ҳақиқатнинг ўзи маҳаллаларда ушбу лавозим қанчалик узоқни кўзлаб жорий этилганлигини очиқ-ойдин аниқлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Яшил макон" лойиҳаси ижроси доирасида Янгийўл туманида ҳам муайян ишлар қилинди. Янги боғлар, хиёбон ва гулзорлар ташкил этилди. Экология ва атроф-муҳитга бўлган эътибор ҳар қачонги-


дан-да кучайди. Медиатур иштирокчилари ҳам ўзларидан шу кунги яхши эсдалик қолдиришди. Улар йўл бўйида барпо этилган янги боғда мевали ва манзарали даракт кўчатларини ўтказдилар.

Амалиётда илғор технологиялар қуйи Чирчиқ тумани илгари вилоятдаги энг қоқоқ туманлардан ҳисобланарди. Хорижий инвестицияларни кўплаб жалб этиш, янги, ҳаётбахш лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига айни вақтда туман жадал ривожланиш босқичида. Бу каби хайрли ишлар қаторида ташкил этилган "Қуёнчилик наслчилик агрокомплекс" МЧЖ бугун нафақат туман ёш илгари, балки Республика миқёсидаги корхона сифатида эътироф этилмоқда. Қарийб 11,5 гектар майдонда Италия технологияси асосида бунёд этилган замонавий мажмуа қурилишига 30 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция жалб этилди. Корхона тўлиқ ишга тушгач, 150 ишчини ўз бағрига олади. Натижада ҳар йили 2,5 минг бош насли она қуён, 2 минг тонна парҳез гўшт

ва мўйна тайёрланади. Қуёнлар гўнги қайта ишланиб, қишлоқ хўжалиги учун зарур биогазга етказиб берилди. Илғор технологиянинг яна бир эътирофи жиҳати шундаки, парваришланаётган қуёнларнинг ҳар бирига махсус чиплар ўрнатилган. Бу мослама ягона база орқали назорат олиб боришни таъминлайди. Ундан қуёнларнинг қирқ йил олдинги аждодлари наслини ҳам аниқлаб олиш мумкин. Корхонада бу йил 2,5 минг бош қуён тажриба сифатида бўрдоқига боқилиб, 2 минг тонна парҳез гўшт ва тери тайёрланди.

Чиноз туманида гидропоника усулида иссиқхонада помидор етиштираётган "Agro peuse organik" МЧЖнинг фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмабди. Шунга қарамай жамоа аъзолари бу йил помидордан мўл ҳосил етиштирибди.

— Бундай усулда деҳқончилик қилишнинг афзалликлари кўп экан, — дейди МЧЖ иш бошқарувчиси Ғуломжон Фаттоҳов. — Биринчидан иссиқхона учун ер танланмайди, одатий услубларда помидорнинг ҳар тупидан 3 килограмм ҳосил олинса, гидропоника асосида бу кўрсаткични 12 килограммга етказиш мумкин. Озиқлантириш ва сув сарфиди ҳам катта иқтисод бор. Иссиқхона қурилиши учун 500 минг доллар миқдорда хорижий кредит олинди. Яратилган 10 та иш ўрнида асосан ёшлар меҳнат қилишмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ, Латвия давлатига 15 минг АҚШ доллари миқдорда сархил помидор экспорт қилинибди. Бундан ташқари, 3 минг



тонна сизимга эга янги музлаткич қурилиб, фойдаланишга топширилибди.

Шу кунги тадбир иштирокчилари вилоятнинг маъмурий маркази Нурафшон шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишдилар. Ангрэн ва Оҳангарон шаҳрининг дилтортар манзилларига сەҳнат қилиб, ҳаётга тадбиқ этилаётган янги инвестиция лойиҳалари ижросидан бохабар бўлдилар. Медиатур сўнгида фол иштирокчилар рағбатлантирилди.

Иброҳим ТОШЕВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

"ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ" ТАНТАНАЛАРИ — БОЛАЖОНЛАР УЧУН ЭНГ ЗҲР СОВҒА!

Пойтахтимизда "Президент арчаси" байрам тантаналари бошланди. "Томоша" болалар студияси учун барпо этилган муҳташам бинода ўтказилаётган ушбу тантананинг асосий қисмида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари тақдирланди.

"Президент арчаси" тантаналари болалар учун доим чексиз қувонч улашган, барча ўғил-қизлар йил давомида орзу қиладиган завқли тантана саналади.

— Бундай байрамга келишни барча орзу қиладиган, — деди шахримиздаги 30-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган Раҳимжон Ҳафизов. — Биз бу байрам учун атайин шеърлар, қўшиқлар ўргандик. Янги йилни шундай қувончли кутиб олиш қандай яхши!

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кечаётган янги ланиш жараёнларида аҳоли, айниқса болалар манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш устувор аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиз етакчиси ўзининг юртимиз вилоятларига сафарлари чоғида мактаблар, тиббиёт масканлари, болалар шифохоналари, Меҳрибонлик уйлари ҳолдан хабар олишни, уларнинг муаммоларини тезкор ҳал этишни, истеъдод эгаларига катта эътибор қаратишни халқимиз, кенг жамоатчилик ҳамisha гувоҳи бўлмоқда. Айни пайтда Меҳрибонлик уйлари, уларда тарбия олаётган болаларга эътибор тобора кучайди. Мазкур муассасалар Миллий гвардия шафелигига ўтказилди. Ҳимояга муҳтож болаларни жамиятга интеграциялаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, касб-хунарли этиш борасида улкан амалий ташаббуслар ҳаётга жорий этилмоқда.

...Қувонч қуй-қўшиқлар янграмоқда. Болалар рақсга тушиб, баралла шеър айтишмоқда. Ватанини, беғубор болаликни тараннум этувчи қўшиқларни қуйлашмоқда. Дарвоқе, улар учун ажойиб сюрприз — устоз режиссёр Нодира Қурбонова сценарийси асосида тайёрланган "Йўлбарс афсонаси" мусиқий спектакли тайёрланган. Энг асосий совға эса Президентимизнинг болалар учун аталган байрам совгалари экани шубҳасиз!

Байрам тантаналари давом этмоқда. Назоқат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

СОДА, РАВОН ВА САМИМИЯТГА ЙЎҒРИЛГАН АСАР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли публицист Исмаил Хушевнинг "Оқланмаган ишонч қиссаси" номли китобининг тақдироти ўтказилди.

— Кенг жамоатчилик, ёзувчи, шоирлар ва публицистлар иштирок этган мазкур тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси расиси Сирожиддин Саййид очиб, бугунги кунда адабиёт соҳасида ижодкорлар учун яратилган имкониятлар ҳақида тўхталиб ўтди. Тадбирда шунингдек, Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос Иброҳим Ғафуров "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида Исмаил Хушев билан ишлаган даврларини эслаб, журналистнинг кўтарган долзарб мавзуларини алоҳида эътироф этди. Ушбу китоб биографик саргузашт йўналишида ёзилган бўлиб, унда зиддиятли воқеа-ҳодисалар, айрим таниқли сиймолар тақдироти содда, равон ва самимий тарзда тасвирланган.

Бу ҳужжатли-бадиий қиссининг бош қаҳрамони муаллифининг ўзи. Унда адиб ҳаёти ва ижодий фаолиятида кўрган-кечирганларини бадиий бўёқларда ифода этади. Исмаил Хушев қаламига мансуб ушбу китоб Анвар Икром муҳарриригида, "Vodiy Media" нашриётида чоп этилган.

Дилобар МАМАТОВА, ЎЗА муҳбири.



"ДАНҒАРА" НАСОС СТАНЦИЯСИНING УЛКАН ҚИССАСИ

(Боши 1-саҳифада)

Насос агрегатининг унумли ишлашини таъминлаш мақсадида дарёдан келадиган сувнинг 1,5 минг метр масофадан 1000 метрга келтирилиши, сув келтириш каналининг туб ости чуқурлигининг 2,70 сантиметрга етиши вегетация даврида Сирдарё сувининг камайиш пайтига келганда ҳам сувнинг насос агрегатига кириб келиш ҳолатининг меъёрида бўлишини таъминлади. Бу қишлоқ хўжалиги экинларига келадиган сувнинг кафолатли бўлишини таъминлади, деганидир. 2016 йилдан бери насос станцияси белгиланган лимит асосида ерларга сув етказиб беришни кафолатли таъминламоқда.

Ҳозирги кунда насос станция ўз фаолиятини вақтинча тўхтаб турибди. Чунки, айни дамда каналлар, ариқлар, сув йўллари бир қарра кўзда кечирилмоқда, зарур жойларда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ерларнинг дамбалари тўғирланмоқда. Шудорланган ерлар шўрини ювиш мақсадида пол олиш ишлари давом эттирилмоқда. Ҳозиргача 2 марта суғорилган бугдойзорларга сув тараша ҳозирлик қўрилмоқда.

— Янги йилнинг биринчи ҳафтаси оралиғида пол олиш, дамба кўтариш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари тугалланади, — дейди Сирдарё-Сух ирригация тизимлари бошқармаси Насос станциялари ва энергетика бошқармаси Данғара тумани бўлими бош энергетиги Шавкатжон Сотимов. — Шунда "Данғара" насос станцияси тўла қувват билан ишга туширилади. Қисқа давр ичида туманининг салкам 6 минг гектар ерида шўр ювиш, чилла суви бериш ишлари амалга оширилади. Минглаб ердаги бошоқли дон экинларини суғориш ишлари давом эттирилади.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

ПОЙТАХТИМИЗДА ОИЛАВИЙ КОРХОНАЛАР СЕНИ ҚАНЧАЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Юртимизда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини янада ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва қулайликлар натижасида фаолият кўрсатаётган ҳамда янги ташкил этилаётган корхона ва ташкилотлар сони йилдан-йилга сезиларли равишда ошиб бормоқда. Жумладан, пойтахтимизда рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони жорий йилнинг биринчи декабр ҳолатига кўра 3,6 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,6 фоизга ошганлигини аниқлатади. Янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони эса 417 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,2 фоизга камайганлигини кўриш мумкин.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ахборот хизмати



ҚИЗИЛТЕПАЛИК ФЕРМЕР ЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРДИ

(Боши 1-саҳифада)

— Фермер хўжалигимизда бугунги кунда 1500 га яқин сигир парвариш қилинаётган бўлса, уларнинг мингга яқини соғин сигирлардир, — дейди суҳбатдошимиз. — Ҳар бир сигир кунлик ўртача 25-30 литр атрофида сут беради. Сигирлар асосан Германия, Дания ва Эстониядан олиб келинган. Корхонада сутни қайта ишлаш мақсадида Германия, Россия, Туркия, Италия давлатларидан замонавий технологиялар олиб келинган. Махсулотлар нафақат вилоят ҳудудига, балки қўшни вилоятларга ҳам етказиб берилди. Шунингдек, туман ва вилоят марказларида савдо дўконлари ишга туширилган.

Бугунги кунда мазкур корхонада 180 киши, фермер хўжалиги бўйича эса 500 нафарга яқин ишчи фаолият олиб боради. Корхонада сутни қайта ишлаш мақсадида Германия, Россия, Туркия, Италия давлатларидан замонавий технологиялар олиб келинган. Махсулотлар нафақат вилоят ҳудудига, балки қўшни вилоятларга ҳам етказиб берилди. Шунингдек, туман ва вилоят марказларида савдо дўконлари ишга туширилган.

Сўнги 3 йилда хўжаликнинг умумий даромади 9,4 миллиард сўмни, соф фойда эса қарийб 3,4 миллиард сўмни тақшил этди. Рентабеллик даражасининг

ортиб бораётгани ташаббускор фермернинг сазй-ҳаракатлари ижобий натижа бераётганидан дарак бериб турибди. Хусусан, 2018 йилда рентабеллик даражаси 28,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб 47,5 фоизга етказилди.

Кейинги йилларда бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам сув тақчиллиги сезилмоқда. Бу эса ҳар биримиздан сувдан оқилона фойдаланган ҳолда мақсадли ишлатишни талаб этади. Ташаббускор, инновацион ёндашувларни ишлаб чиқаришда қўллаб-қўрғашни қўш қўрдиган фермер Малик чўл ҳудудидан 1000 гектар майдонни ўзлаштиришга киришди. Бунинг учун у Туркия давлатига бориб, у ерда ёмғирлатиб суғориш жараёни билан ақиндан танишди. Ўз ишининг "уста"лари билан танишиб, уларнинг тажрибасини ўрганди ва туркиялик агрономларни ишга тақдир этди. Айни пайтда Малик чўлдан 300 гектар майдон ўзлаштирилиб, озуқабоп бугдой ва арпа етиштирилмоқда.

Дарвоқе, юртимизда ҳар бир киши меҳнатига муносиб рағбатлантирилади. Жобир Темиров ҳам 2019 йилда давлати-




мизнинг юксак мукофоти "Дўстлик" ордени билан, 2020 йилда эса "Меҳр-саховат" кўкрак нишонини билан мукофотланди. Жорий йилда эса "Ташаббус-2021" кўрик-танловининг республика босқи-

чида 1-ўринни қўлга киритиб, Президент совғаси — "Нексия-3" автомашинаси билан тақдирланди.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

**Қачонки деҳқоннинг косаси оқаради,
агар экин уруғи сифатли бўлса...**



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

УРУҒ СИФАТЛИ, ҚОСИЛ БАРАКАЛИ

Ёшлик чоғларимда отамнинг ҳар бир экиннинг етилиб, пишган сара уруғларини эринмай ажратиб олиб, халтачаларга солиб, қоғозга керакли маълумотларни ёзиб, боҳаво, намлик инмайдиган, зараркунандалар хавф солмайди билан пешхарига тартиб билан илиб қўйгани ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Ўшанда қизиқиб, боисини сўраганимда, бунини уруғчилик, дейди, мактабга борганимда биология ўқитувчининг бататил билан олсан, дея тушунтирдилар. Шушу ушбу соҳага қизиқишим ортди. Билдимки, у ўсимликшуносликнинг наводор уруғлини ялли кўпайтириш билан шуғулланадиган тармоғи экан.

1910 йилда Туркистон тажриба станциясида (Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти) дон экинларининг маҳаллий навлари экилиб, биринчи марта уруғчилик нуқтаи назаридан ўрганила бошланган. Ўза бўйича уруғчилик 1910 йилда йўлга қўйилган. 1921-1934 йилларда уруғчилик ва селекциянинг ягона тизими ишлаб чиқилди. 1926-1937 йилларда Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларида сабзавот, полиз, донли экинларининг навали уруғчилигини етиштириш бўйича хўжаликлар ташкил этилди. 1965 йилда ўза, беда экинлари селекцияси ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Республикаси мус-



ем-хашак экинлари уруғчилиги йўлга қўйилди. МЧЖларда етиштирилган уруғликларни Марказ томонидан белгиланган тартибга кўра мустақил сотиш ҳуқуқи берилди. Мамлакатимизда уруғчилик соҳасига берилётган бу каби имтиёз ва қўллаб-қувватлашлар тизимда меҳнат қилаётган мутахассис, фермер ва деҳқонларимизнинг кайфиятини янада кўтариб юборди. МЧЖлар томонидан жорий йилда 832 тонна ғалла, 845 тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори авлодли уруғлари белгиланган тартибда жамғарилди. Хўжаликларимиз томонидан Республиканинг бошқа вилоятларига ва вилоятимиз фермер хўжаликларига 832 тонна ёки 4 млрд. 566 млн. сўмлик ғалла, 40 млн. сўмлик арпа ва 13 млн. сўмлик соянинг юқори авлодли уруғликлари сотилди. Жорий йилда 14804576 минг сўм даромад қилиниб, соф фойда 4296259 минг сўмин ташкил қилмоқда. "Uzbek seeds" миллий бренди

бренди остида савдо қилувчи махсус дўкон барпо этилди. Бундай дўконлар бошқа элита хўжаликлари томонидан ҳам ташкил этилиши, фойдаланишга топширилиши чора-тадбирлари кўриломоқда. Президентимиз кўп бора таъкидлаганларидек, эндиликда қишлоқ хўжалиги экинларидан жаҳон андозаси, талабига жавоб берадиган, сифатли, кўпроқ даромад келтирадиган ҳосил етиштириш учун курашмоғимиз керак. Шунинг учун яқунланаётган жорий йилда уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқини қўлга киритган 194 та фермер хўжалиги билан талабчанликни кучайтирган ҳолда иш ташкил этдик. 4340 гектар майдонда ўтказилган апробация танловлари давомида 287 гектар майдон уруғлик учун яроқсиз деб топилди. Барча талабларга жавоб берадиган 18022 тонна дон уруғлик учун қабул қилиб олинди. Сифатли сараланиб, дориланиб 2022 йил ҳосили учун фермер хўжаликларига етказиб берилди. Шунингдек, уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқини қўлга киритган 253 та фермер хўжалигининг 7208 гектар майдондаги пахтанинг 695 гектари уруғлик олиш учун яроқсиз деб топилди. Жами 9233 тонна уруғлик пахта жамғарилди. Аини кунларда тайёрланаётган уруғликлар сифатини яхшилаш, таннархини пасайтириш, етиштириш ва тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 ноябрдаги "Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ишчи гуруҳи ташкил этилиб, Учқўрғон уруғлик дон тайёрлаш ва Чортоқ уруғлик дон тайёрлаш цехларини "Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДК вилоят бошқармаси тасарруфига олиш чоралари кўриломоқда.

Буллардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда нафақат уруғчилик йўналишида, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам кенг кўламда ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада наманганликлар ҳам йилни барча кўрсаткичлар бўйича яхши натижалар билан яқунламоқда. Тилагимиз, кириб келаётган янги йил ҳам дунё халқларига, юртдошларимизга тинчлик-хотиржамлик, тўқинчилик, деҳқончилигимизга кут-барака олиб келсин. Янги Ўзбекистонимиз остонасида эшик қоқиб турган 2022 йил барчангизга муборак бўлсин!

Ойбек ҲАЙДАРОВ,
"Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДК Наманган вилояти бошқармаси ва "Элита уруғчилик хўжаликлари" МЧЖ раиси.



тақилликка эришганидан кейин қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғчилик базасини ривожлантириш, қимматли навларнинг генофондини сақлаб қолиш, маҳаллий иқлим шароитига мослашган янги нав ва дургайларини яратиш, серхосил ва юқори сифатли уруғликлар билан таъминлаш, жаҳон тажрибаси ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳанинг асосий вазифаларига айланди. 1996 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг "Уруғчилик тўғрисида" Қонуни қабул қилинди.

Бугунги кунда вилоятимизнинг Мингбулоқ, Наманган, Уйчи, Учқўрғон ва Чуст туманларида элита уруғчилик хўжаликлари МЧЖлари ташкил этилиб, уларга пахта, ғалла, сабзавот, полиз, мойли, дуккакли-дон ва ем-хашак экинлари уруғчилигини йўлга қўйиш мақсадида 100 гектардан ер ажратилди. Мавжуд майдоннинг 40 гектарида пахта, 40 гектарида ғалла ва 20 гектарида сабзавот, полиз ва

Эълонлар

"INSON" МЧЖ СТ томонидан Тошкент шаҳар "MARKAZIY" филиалига берилган 015740, 015741, 015742, 015743, 016037 рақамли полис бланкалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети томонидан 1985 йилда Тобакулова (Давлятшина) Ноила Отеловна номига берилган ЛВ № 457038 (рўйхат рақами 77/85) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси автомобил йўллари давлат қўмитаси тасарруфидаги

ТОШКЕНТ КЎПРИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни ва юртимиз меҳмонларини қалбларимизни завқу шавққа тўлдириб кириб келаётган Янги йил шодиёналари билан қизғин муборакбод этади ва барчага соғлик-омонлик, оилавий бахт, касбу корига ривож тилайди.

Албатта, кўплар қатори бизларнинг меҳнат жамоамизнинг ҳам 2022 йилдаги орзулари, режалари кўп. Жамоамизнинг бирдамлиги ҳамжиҳатликда кўзланган марраларни забт этишига ишонамиз ва бу йилда барчага омад тилаимиз. Янги йил хурсандчиликлар, муваффақиятларга бой йил бўлсин!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРМАСИ

ҲАМДА БОШҚАРМА ТАРКИБИДАГИ

БОЙСУН ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАЛАРИ

азиз ватандошларимизни, тизимда меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини қутлуг қадамлар ила кириб келаётган

ЯНГИ 2022 ЙИЛ

билан самимий қутлайди. Жонажон Ўзбекистонимизнинг янада обод зўшага айланиши, жаҳон майдонидаги нуфузи ва мавқеи тобора мустақамланиши, халқимиз турмушининг тобора юксалиши йўлидаги эзгу ишларида зайрату шижоат, улкан зафарлар тилайди. Муаззам кунлар шуқуҳи, байрамона хушқайфият қалбларимизни асло тарқ этмасин!

Байрам муборак бўлсин, азизлар!

“ЗАРАФШОН МАХСУССУВ ҚУРИЛИШ”

масъудияти чекланган жамияти жамоаси

Ватандошларимизни, шу ёшлардан, юртимиз суяқлиги тизимида ҳармай-толмай меҳнат қилиб келаятган фидойи соҳа вакилларини, барча ҳамкасиб дўстларини қириб келаятган 2022 йил билан қизгин муборакбод тади ва янги йилда барчага ушқан зафарлар ёр бўлишини тилайди.

Илоҳим, бугунги замон шиддатига ҳамоҳанг тараққиёт уфқлари сари дадил одимлаётган Янги Ўзбекистонимизга, шундай тинч, осуда кунларимизга, байрамларимизга кўз тегмасин! Ютуқларимиз салмоғини янада ошириш йўлидаги эзгу ишларимиз доимо бароридан келсин! Ҳар биримиз учун эшондан азиз бўлган она ватанамиз сарҳадлари ҳамиша мустаҳкам, халқимиз омон, турмушимиз янада фаровон бўлсин!

“Қўқондон Маҳсулотлари”

акциядорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни эзгу умид, пок ниятлар ила қарши олаётганимиз – Янги йил байрами билан самимий қутлайди ҳамда ушбу шуқуҳли кезларда барча-барчага мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омадлар тилайди. Халқимиз Янги йил байрамини ўзгача бир кўтаринки руҳда нишонлайди. Байрам дастурхони атрофида янги йил омад ва қувончларга, муваффақиятларга бой йил бўлсин, дея яхши ниятлар қилишади. Шундай экан, кўнгиларда неки эзгу ниятлар бўлса, барчаси рўёбга чиқсин. Ҳамиша омондорларимиз донга, дастурхонларимиз нонга тула бўлсин!

Осойишталик, файзу барака жонажон юртимизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Iпотека Банк

Yangi yilangiz muborak bo'lsin!

«Ipoteka-bank» ATIB jamoasi barcha yurtdoshlarimizni yaqinlashib kelayotgan 2022-yil bilan samimiy qutlaydi. Yangi yil oilangizga qut-baraka, to'kinlik, mustahkam sog'liq, tinchlik-xotirjamlik, baxt-saodat olib kelsin!

2022

“ТОШКЕНТ СУВ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ”

давлат унитар корхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини Янги йил байрами билан табриклайди. Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида ҳаётимиз янада фаровон, эришаётган ютуқларимиз бардавом бўлаверсин. Хонадонларимиздаги файзу баракага, ҳамжиҳатлигимиз, тинчлик ва осойишталигимизга кўз тегмасин!

Сувимиз мўл, янги йилимиз баракали бўлиб, меҳнатларимиз маҳсулидан қалбимиз тоғдек юксалаверсин, азизлар!

QISHLOQ HAYOTI
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Жамшид ХУЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шўхрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).
Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-1247. 1854 нусхада чоп этилди.
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7023
7 720 30 7020 7
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.10